СССР Давлат матбуот комитети
КИТОБ
Гос. книжная палата УзССР
6 СЕН 1984
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 200 (18.976). • Шанба, 1 сентябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

## Меҳнат зафарлари — юбилейга!

## ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

**Бухоро пиллакашлик фабрикасидан ажойиб хушхабар олинди: КПСС XXVI съезди делегати, машҳур ишчи Фотима Ваҳобова Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ тўй арафасида икки беш йиллик планни муваффақиятли бажарди.**

**Махсус мухбиримиз Фотима Ваҳобова билан суҳбатлашди ва саволлар билан мурожаат этди.**

— **Меҳнат рапортингиздаги қувончли рақамлар билан таништирсангиз.**

— Ўн биринчи беш йилликнинг уч йилу саккиз ойи ичида станоклардан 11 минг 795 килограмм ипак тортдим. Беш йиллик бошидан буён ўн йиллик топшириқни бажаришга эришдим.

— **Ютуқларингиз сири нимада?**

— Аввало, хизмат зонасини кенгайтиришга эришдим. Тўққизта пилла топшириш станогида ишламоқдаман. Бу нормадагидан уч баравар кўпдир. Тиғиз график асосида ишлаш ютуқларимнинг омили бўлаётир. Машиналарнинг айрим носозликларини ҳам ўзим тузатаман. Айниқса, иш вақтидан унумли фойдаланишга эътиборни қаратаман.

— **Корхонадаги илғор ишчиларнинг меҳнат муваффақиятлари қандай?**

— Ишчи-хизматчиларимиз республикамиз юбилейи шарафига зарбдор вахтада туриб ишламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги шахсий мажбуриятларини қутлуғ айёмгача бажариш учун интилишяпти. Узбекистон ССР Олий Совети депутати Валентина Дурованинг меҳнатдаги намунаси ҳаммамизни янада зўр ғайрат билан ишлашга чорламоқда. А. Мельник, С. Ниёзова ҳам ундан қолишмаяпти. Бу ишчилар ҳозир ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишлашмоқда.

— **Режаларингиз?**

— Мамлакатимизда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 40 зарбдор ҳафта давом этмоқда. Бу меҳнат эстафетасида ҳам қувонарли натижаларни қўлга киритиш учун имкониятларни ишга солмоқдаман. Келаси йилнинг тўққизинчи майигача яна бир ярим йиллик топшириқни бажаришга қарор қилдим.

● **Бухоро пиллакашлик фабрикасида меҳнат гвардиячиларининг сафи тобора кенгаймоқда. Юқорида номлари тилга олинган пешқадамлардан ташқари яна йигирма ишчи келгуси беш йилликнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқда.**

### БУГУН — БИЛИМ КУНИ

# АССАЛОМ, БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ

**Билим масканларида янги ўқув йили бошланди. Бу йил 1 биринчи марта Билим куни сифатида кенг нишонланади. Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, мамлакатимизда социализм ғалабаси кенг меҳнаткашлар оммасига билим олиш, инсониятнинг маънавий маданият дурдоналаридан баҳраманд бўлиш учун катта имкониятлар яратиб берди. Советлар мамлакати, жумладан, ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган республикамиз ҳам ҳозирги замон фани, техникаси ва маданияти чўққилари сари юксак парвоз қилди. Мамлакатимизда саводсизликни тугатиш тўғракларидан бошланган халқ маорифининг кенг ривожланган давлат системаси қарор топганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўтмишда аҳолиси деярли саводсиз бўлган ўлка 1940 йилга келиб ялпи саводхон республикага айланди. Бунга жонажон Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно ленинча миллий сиёсати туфайли эришилди.**

**Ҳақиқат қиёслашда маълум бўлади. Социализм илм-фаннинг обрў-эътиборини бениҳоя юксакликка кўтарди. Шуни айтиш кифояки, ривожланган капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳатто билим олиш ҳуқуқидан маҳрумдир. Бизда ҳар бир граждан бепул билим олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ СССР Конституцияси (Асосий Қонун)да мустаҳкамланган. Партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, 1984 йил апрель Пленумлари қарорларида халқ маорифи, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус таълимининг аниқ вазифаси белгилаб берилган. Шу кунинг ёниб бораётган талабларидан келиб чиқиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш зарур бўлиб қолди. Бундай амалий тадбирни мамлакатимиз тараққиёти, унинг истиқболи, ривожланиш диалектикаси кун тартибига қўйганлиги ўз-ўзидан маълум.**

**Янги ўқув йили — Билим куни, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишга киришилган ғалаба йили сифатида бошланмоқда. Мактаб ислоҳотидан кузатилган асосий мақсад билим масканлари ишини сифат жиҳатидан ривожланган социализм шароитлари ва талаб-эҳтиёжларига мос бўлган янги сифат босқичига кўтаришдир.**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаб тўғрисида қабул қилган қатор қарорларида ўқувчиларга таълим ва меҳнат тарбияси бериш жараёнини моддий-техника билан таъминлашга катта эътибор берилган. Бу муҳим қарорларда партия ва совет органлари, маориф министрликлари, ҳунар-техника таълими давлат комитетлари, корхоналар ва турли идоралар қиладиган ишларнинг йўналишлари аниқ кўрсатилган. Ҳар бир республикада, ҳар бир областда ана шу қарорларга асосан аниқ планлар тузиб чиқилди. Эндиликда ҳамма гап шу белгиланган планларни бажаришда қолган.**

**Мактаб билан ишлаб чиқаришни бир-бирига нақадар кўпроқ яқинлаштирсак, ислоҳотнинг самараси шу қадар салмоқли бўлаверади.**

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко бундай деган эди: «Ҳозир бутун таълим жараёни анча кўп даражада дунёқараш мазмунини сингдирадиган бўлиши керак. Ўқув программаларининг тиғизлигини камайтирганда, янги, оқилона дарсликлар яратганда уларни ғоявий жиҳатдан енгиллаштириш, дарс беришнинг илмий даражасини пасайтириш ярамайди. Ўқувчиларни марксча-ленинча эътиқодли қилиб вояга етказиш, социалистик Ватаннинг тақдири учун ўз масъулиятини англашни ривожлантириш — мактабнинг вазифасидир».**

**Биринчи сентябрь — умумхалқ байрами. Билим куни да мамлакатимиз умумий таълим мактабларида биринчи дарс Тинчлик дарси бўлади.**

**Ўқитувчи — қалб меъмори, совет халқининг фахри. Мамлакатимизнинг келажаги шу касб кишилари қўлида. Чунки муаллим — мураббий онла билан ҳамкорликда жамиятнинг бўлажак ишлаб чиқарувчи кучларини тарбиялайди. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи порлоқ истиқбол учун меҳнат қилиб, бугунги кундаёқ йиллар оша келажакка назар ташлайди. Тўғри, инсоннинг бахти унинг ўз қўлида бўлса-да, жамиятнинг маънавий соғломлиги, ижодий баркамоллиги, жисмоний ва ақлий етуклиги бизнинг жамиятимизда ўқитувчининг қўлидадир. Ўқувчи ўқитувчининг билими саёзлигини, фикр доираси торлигини, адолатсизлигини асло кечирмайди. Шунинг учун ўқувчига қўйиладиган баҳо доимо холис бўлиши керак.**

**Узнинг чуқур билими, ишга ижодий ёндашуви, ўз касбини доимо ардоқлаган, тарбияланувчиларига ҳамиша меҳр-шафқатли ва талабчан бўлган устозининг меҳнати шогирдлари қалбида абадий муҳрланиб қолади. Тошкентлик рус тили ўқитувчиси Мавжуда Самадова, андижонлик бошланғич таълим устаси Мажжон Абдурасулов, бухоролик химия-биология ўқитувчиси, СССР Олий Совети депутати Шарофат Гадоева ва яна кўплаб маорифимиз машъаллари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишга ижодий ёндашиб, эл-юрт таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.**

**Ҳар бир соҳада бўлганидек, таълим-тарбия ишининг самарадорлиги ҳам энг аввало билим масканларининг ўқув-моддий базасига, биринчи навбатда муаллим-мураббий кадрларнинг касб маҳоратига, ғоявий-сиёсий етуклигига, ишчанлик ва изланувчанлигига бевосита боғлиқдир. Ўқитувчи қаерда ишламасин — мактабдами, ҳунар-техника билим юртидами, олий ва ўрта махсус билим даргоҳидами, у доимо совет мактабининг асосчиси ва ташкилотчиси, доҳий В. И. Ленининг ҳар бир дарс бир асардир, деган ўгитини асло унутмаслиги керак. Шундай экан, айрим олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни сарғайган конспектлар асосида ўтишга қанча тез чек қўйилса, шунча яхши.**

**Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам ниҳоятда қийин ва шарафли, масъулиятли ва ардоқли касб эгалари — ўқитувчилар армияси сафига кўплаб ёшлар келиб қўшилди. Уларнинг самарали ишлашлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб бериш, улар жойларда муқим бўлиб қолишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш партия-совет ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир.**

**Мактаб ислоҳотининг мақсадлари олижаноб, юксак маънавий, инсонпарвар мақсадлардир. Шундай экан, ҳар бир меҳнат коллективи, корхона, колхоз, совхоз, муассасанинг, министрликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотларининг ҳар бир раҳбари учун, барча ота-оналар учун мактаб иши уларнинг жонажон иши бўлиб қолиши лозим.**

**Олтин куз сеп ёймишга киришадиган сентябрь тонготаридаёқ болаликнинг бахтиёр кунлари янгича мазмун билан бойигандек туюлади. Бугун барча илм масканларида ўқиш бошланади, билим чўққилари сари янги забткорликка старт берилади. Ўқув йилининг илк сабоғи — Тинчлик дарсидир. Бинобарин, тинчлик — бахтиёр болаликнинг гарови.**

**Чеҳралар гулгун, қалблар қувончларга тўла. Бўлмаса-чи! Биринчи сентябр-ку, бугун, ахир! Шу боис Тошкентдаги Ойбек номли 115-мактаб ўқувчилари-ю, муаллима Машҳура Аъзамовагина эмас, ҳамма хурсанд.**

**В. Молгачёв фотоси.**

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ўртоқ К. У. Черненконинг курилиш моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилишни тобора индустриалаштириш ва унинг ривожига ёрдам бериш билан боғланган таклифларини муҳокама қилди ва маъқуллади. Келгуси йилнинг ва ўн иккинчи беш йилликнинг давлат планлари лойиҳаларини тайёрлаш вақтида бу таклифларни амалга ошириш тадбирлари белгиланди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга қурилиш ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ишни кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини, ўй-жойларни ва социал-маиший объектларни ишга туширишнинг ҳисобидан 1984 йил учун белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун куч ва маблағларни тўплаш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 1984 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларнинг давлат чакана нархларини камайтириш тўғрисидаги таклифни маъқуллади. Бу аҳолининг турмуш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда янги қадам бўлади. Болаларга мўлжалланган буюмларни, баъзи дори-дармонларни, шунингдек, газлама, трикотажнинг айрим турларини, маданий-маиший ва рўзғор молларини анча арзонлаштириш кўзда тутилади. Камайтириладиган чакана нархларнинг умумий миқдори бир йил ичида 2,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга Сиёсий бюро халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шу беш йиллик социал программасини муваффақиятли бажариш учун қўшимча моддий ва молиявий ресурсларни вужудга келтиришнинг зарур шарти сифатида меҳнат коллективларининг маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш соҳасидаги ишларни кучайтириш зарур эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аҳолининг пассажир ташиш борасидаги эҳтиёжларини қондириш учун идоралар ихтиёридаги автобус паркидан оқилона ва самарали фойдаланиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида 1984-1990 йилларда йирик шаҳарларда умумий фойдаланишдаги транспорт автобусларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларига хизмат кўрсатишга аста-секин ўтиши тадбирлари белгиланди. Шу муносабат билан автобус паркини илдам ривожлантириш ва шаҳар пассажир автохўжаликларининг ишлаб чиқариш-техника базасини мустаҳкамлаш мўлжалланади. Корхоналар ва ташкилотларга гарантияли транспорт хизмати кўрсатилишини таъминлаш, пассажирларни ташиш шароитларини яхшилаш билан боғланган вазифаларни ҳал этишда шаҳар Советлари ижроия комитетларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш кўзда тутилади.

Руминия фашизм асоратидан озод этилганлигининг 40 йиллиги байрамида қатнашиш учун совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминия Социалистик Республикасига қилган сафари тўғрисида ўртоқ В. И. Воротниковнинг ахбороти кўриб чиқилди. Руминия раҳбарлари билан учрашув ва суҳбат якунлари маъқулланди, совет—румин муносабатларини янада мустаҳкамлашга, СССР билан РСР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йўлимиз сира ўзгармас йўл эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро СССР партия-ҳукумат делегациясининг Словакия миллий қўзғолони 40 йиллигига бағишланган тантаналардаги иштироки тўғрисида ўртоқ Д. Ф. Устиновнинг ахборотини тинглади. Словакия миллий қўзғолони фашизмга қарши кураш тарихига Чехословакияда халқ-демократик революциясига асос қўйилган воқеа бўлиб кирди. Ана шу шонли сана байрами, Чехословакия раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатлар СССР ва ЧССР халқларининг бузилмас дўстлигини, уларнинг социализм манфаатлари учун, бутун жаҳонда тинчлик учун курашдаги бирлигини яна бир бор намойиш қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимизнинг ички ҳаётига ва халқаро сиёсатга доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

# КИТОБ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Республика Китобсеварлар кўнгилли жамияти ўз сафларида 1 миллион 700 минг кишини бирлаштирган. 31 август куни Тошкентда китобсеварларнинг вакиллари ўзларининг III съездига йиғилдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг съездга табрикномаси қизғин қарсаклар билан қутиб олинди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ўқиб эшитирди.

Съезд қатнашчилари партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган жамият ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва кейинги Пленумлари қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларига амал қилиб, меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Нутқларда жамиятнинг ташкилотчилик фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Китобхонлар конференцияларини, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар, лекциялар ва виставкаларни тез-тез ўтказиб туриш зарур. Замондошимизнинг маънавий қиёфаси шаклланишига, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун кураш ҳаракатини ривожлантиришга актив кўмаклашиш, халқ хўжалиги планлари бажарилишига ёрдам бериш китоб тарғиботчиларининг энг муҳим вазифасидир. Жамият Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик юзасидан кўп ишлар қилиши керак.

Съезд жамият правлениесининг янги составини сайлади. Правлениенинг бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров яна правление раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

# БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Ўзларининг профессионал байрамини нишонлаётган Ўзбекистон газчилари билан нефтчилари СССРнинг узоқ муддатли Энергетика программасини амалга ошира бориб, беш йиллик вахтасини зарбдорларча давом эттирмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу йилнинг бошидан буёғига планга қўшимча равишда 20 минг тонна нефть, 200 миллион куб метрдан зиёд газ ва 26 минг тонна газ конденсати қазиб чиқардилар. Андижон ва Ғазли нефть, газ қазиб чиқариш бошқармаларининг, Муборак газни қайта ишлаш корхоналарининг коллективлари меҳнат мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

31 август куни Тошкентда Нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, байрамолди мусобақасининг ғолиблари республика юбилейини ва Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини ишга туширишга, умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

# Ўзбекистон ССР Китобсеварлар кўнгилли жамиятининг учинчи съездига

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Китобсеварлар кўнгилли жамияти учинчи съездининг делегатларини ва сизлар орқали республика ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиёт пропагандистлари билан тарқатувчиларининг кўп сонли армиясини қизғин табриклайди.**

**Сизларнинг съездингиз бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съезди қабул қилган социал-иқтисодий программани бажариш борасида илҳом билан меҳнат қилаётган, коммунистик қурилишнинг масъулиятли вазифаларини ҳал этаётган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилаётган шонли бир пайтда ўтказилмоқда. Меҳнаткашлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг талаблари асосида республика партия ташкилотининг хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида намунали тартиб ўрнатишга, партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, кадрларга нисбатан ленинча талабларга қатъий риоя этиш, оммани ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратилган йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.**

**Партия янги инсонни камол топтиришда, социалистик жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини ривожлантириш ҳамда кўпайтиришда китобнинг тарбиявий, сафарбар қилувчи ва ўқитиш-тарбия ролини юксак қадрлайди, китоб нашр этишни ривожлантириш, адабиётнинг оммага етиб бориши тўғрисида доимо эътибор ва ғамхўрлик қилмоқда.**

**Мамлакатимизда китоб нашр этиш ҳақиқатан ҳам катта қўлам касб этди. Совет Ўзбекистони бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда ҳар йили СССР ва жаҳон халқларининг 15 тилида жами 40 миллион нусхада икки мингдан кўпроқ китоб ва брошюра босиб чиқарилмоқда. Етти мингдан кўпроқ оммавий кутубхона шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига хизмат қилмоқда.**

**Ўзбекистон ССР Китобсеварлар жамияти ташкил этилганидан буён ўтган ўн йил мобайнида сон жиҳатдан ўсиб ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, адабиётни пропаганда қилиш ва оммалаштириш борасида каттагина ишларни амалга оширди. Ўз сафларида салкам 1 миллион 700 минг кишини бирлаштирган жамият ташкилотлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети 1984 йил февраль, апрель Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларига амал қилиб, халқ хўжалик планлари бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, улар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотларининг содиқ ёрдамчиларидир.**

**Китобсеварлар жамияти олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Марксизм-ленинизм ўлмас ғояларини пропаганда қилишда, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми талаблари асосида сиёсий, илмий-техника билимларини оммалаштиришда китоб сўзининг ғоят зўр кучидан тўлиқроқ фойдаланиш учун бундан буён ҳам куч-ғайратларини сарфлайверишлари зарур. Жамият ташкилотлари китобни пропаганда қилишда, унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасида ишчанлик ва конкретликка эришишлари лозим. Китоб пропагандистларининг фаолияти ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиши, социалистик мулкка нисбатан оқилкорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши, халқ хўжалик планлари бажарилишига, фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишига актив ёрдам бериши керак.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети съезднинг самарали ишлашини типайди ҳамда республика китобсеварларининг ташкилотлари ўз фаолиятини сифат жиҳатдан яна ҳам юксакроқ даражага кўтарадилар, китобни пропаганда қилиш ҳамда оммалаштириш воситалари ва методларини ғоят зўр самарадорлик билан такомиллаштирадилар, кўп миллатли совет маданиятини янада ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтирадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVII съездини янги ютуқлар билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирадилар.**

**ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

# МЕҲНАТ РАПОРТИ

**Ўзбекистон ССР енгил саноат меҳнатчилари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш саккиз ойлик планини муддатидан олдин 29 августда бажардилар.**

**Ой охиригача пландан ташқари 38 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.**

**(ЎзТАГ).**

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада медицина фанини ва соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун ва ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ғ. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 31 август.

# КОММУНИЗМ ДАРСХОНАСИ

**Совет жамияти улуғ мақсадларимиз сари дадил олға силжимоғи учун ҳар бир янги авлод маълумот ва умумий маданиятнинг, касб-кор малакаси ва граждан активлигининг янада юқори поғонасига кўтарилиши керак.**

***К. У. ЧЕРНЕНКО.***

Боғчага эмас, энди мактабга борамиз!

Республикамиз пойтахтининг Куйбишев районидаги 426-болалар боғчаси ҳар йили ана шу суратдагидек бахтиёр болалардан саксонтасини мактабга йўллайди.

В. Молгачев фотоси.

*ИШЧИ-ДЕҲҚОН СИНФИНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК*

## ҲУНАР ЭГАЛЛАШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

**Жонажон партиямиз ёшлар тарбиясига комплекс ёндашиш вазифасини илгари сурар экан, таълим ва тарбия ишини реал ишлаб чиқариш билан янада пухтароқ боғлашга, касб-кор эгаллашни навқирон авлод учун ҳаётий зарурат, биринчи даражали аҳамиятга молик вазифалар қаторига кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу маънода ҳунар-техника таълими системасининг обрў-эътибори йил сайин ортиб бораётгани бежиз эмас. Таълимнинг бу формаси Ўзбекистонда айниқса жадал суръатлар билан юксалиб бормоқда. Республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети раиси П. ҚАЮМОВ «Совет Ўзбекистони» мухбири Р. ҚОСИМОВ билан суҳбатда ана шу ҳақда гапириб берди.**

— Ёш авлодга билим бериб, ҳунар ўргатаётган педагогларимиз ва ишлаб чиқариш таълими мастерларининг мактаб ислоҳотида илгари сурилган вазифаларни бажариш йўлида собитқадамлик билан иш олиб боришдан ҳам муҳимроқ ва масъулиятлироқ вазифалари йўқ, — деди у. — Республикамизда ҳунар-техника таълимини ривожлантириш юзасидан жуда катта, кўп қиррали иш олиб борилмоқда. Ўнинчи беш йиллик ҳамда шу беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида билим юртларимизни 900 мингдан зиёд йигит-қиз битириб чиқиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларига йўлланма олди. Шу вақт ичида 317 ҳунар-техника билим юрти очилди. Ислоҳотда барча ўқув юртларимизни ягона типга — ўрта ҳунар-техника билим юртига ўтказиш режалаштирилган. Уларнинг аксариятида кечки бўлимлар, шунингдек, малакали ишчилар тайёрлаш учун таълим муддати қисқартирилган бўлимлар очилади.

Бугун ҳунар-техника билим юртларида 280 минг талаба янги ўқув йилини бошлайди. Режаларимиз катта. Таълим-тарбия сифатини яхшилаб, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришимиз зарур. Шу асосда мактаб ислоҳотини амалга ошириш учун катта уфқлар очилади. Ўн иккинчи беш йилликка бориб, ҳозиргига нисбатан 120 минг кўп талаба қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, билим юртларимизда бир вақтнинг ўзида қарийб бир миллион йигит-қиз таълим олади. Корхоналарга, қурилишларга, колхоз ва совхозларга, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига 815 минг ёш ишчи боради.

Бизда замонавий асбоб-ускуналар, техник воситалар билан жиҳозланган билим юртлари борки, уларда ўқув жараёни методик жиҳатдан юксак даражада йўлга қўйилган. Тошкентдаги 57-, Тошкент областидаги 174-, Наманган областидаги 111, Бухоро областидаги 100, Фарғона шаҳридаги 1-ҳунар-техника билим юрти ва бошқалар шулар жумласидандир. Билим юртлари фан-техника тараққиёти шароитида вужудга келган янги мураккаб касблар бўйича ҳам ишчилар тайёрламоқда. Электрон-ҳисоблаш машиналари операторлари, контрол-ўлчов приборлари ва автоматика созловчилари, программали бошқариладиган дастгоҳлар операторлари, қўйинг-чи, бизда уч юздан ортиқ касб бўйича ишчилар ҳозирланмоқда.

Билим юртларимиз ҳақли равишда ўз талабалари билан фахрланадилар. Улар халқ хўжалигининг хилма-хил тармоқларида муваффақият билан ишламоқдалар. Шулардан қирқ бештаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Республикамизда донг таратаётган ишлаб чиқариш новаторлари ва илғор ишчиларнинг аксарияти бир пайтлар бизнинг билим юртларида таълим олганликлари билан ғурурланадилар.

Табиийки, катта ишда қийинчиликлар ҳам учрайди. Билим юртлари қурилишини олинг. Ўн биринчи беш йиллиги ўтган даврида 47 та типовой ҳунар-техника билим юрти барпо этилиши керак, амалда эса 15 та комплекс қурилди, холос. Афсуски, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Главташкентстрой» ва бошқалар билим юртлари объектларини қуришда сусткашлик қилмоқдалар. Оқибатда 1981—1983 йиллар ва шу йилнинг етти ойи мобайнида 35,1 миллион сўм кабитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бу ҳол талабалар жалб этиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича планлар бажарилишига ҳам салбий таъсир этди. Қурилиштаги қолоқликни бошқа биноларни билим юртларига мослаштириш йўли билан ҳам маълум даражада қоплаш мумкин. Аммо, бу борада ҳам ишлар яхши деб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV ва XVI пленумлари қарорлари юксак таълим юртларига мамнуният билан бормоқдалар. Лекин Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё областидаги кўпгина билим юртлари талабаларга ҳамиша муҳтож. Бундай аҳвол сабабларини пухта ўрганиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриш фурсати аллақачон етди. Бунда кўп нарса ҳунар-техника таълими органлари, қолаверса педагогик коллективларга боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг юксак даражасини таъминлаш талабаларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб, ҳаётга ва ижтимоий фойдали меҳнатга тайёр бўлиб етишиши бу системанинг энг яхши пропагандасидир. Шу боис биз ҳозирги кунда умумтаълим предметлари ролини оширишга, йигит-қизларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга, уларда қатъий материалистик тасаввур ва атеистик қарашлар ҳосил қилишга, табиат ва жамият ҳодисаларини тўғри тушунтира билиш, олинган билимларни амалиётда қўллана олиш, танланган ихтисос бўйича ва жамоат ишларида самарали ишлашга тайёр туришга ўргатишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Билим юртларимизда рус тилини ўрганиш ва ўқитишга, шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал тарбияни такомиллаштиришга илгаригидек катта эътибор берилади.

Малакали мутахассис бўлиб етишиш энг аввало мураббий — инженер-педагог кадрлар нечоғли билимдон эканлигига боғлиқ. Ана шуни эътиборга олиб, келаси йилдан республикамизда электр энергетика ихтисоси бўйича инженер педагоглар тайёрлашга киришилади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ҳунар-техника билим юртлари учун мутахассис тайёрлаш кўпайтирилади. Бошқа ихтисослар бўйича педагог кадрлар тайёрлашни кенгайтириш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Назаримизда, машинасозлик касби бўйича кадрлар тайёрлаш Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидан Тошкент политехника институтига олиб берилгани маъқул.

Мана, янги ўқув йили, Билим куни, мактаб ислоҳотини амалга оширишдек катта тадбирнинг илк одимлари бошланадиган кун етиб келди. Республика ҳунар-техника таълими системаси ходимлари ишчи ўринбосарлар тайёрлаш юзасидан зиммадаги бутун масъулиятни ҳис этиб, КПСС XXVI съезди қарорларини, мактаб ислоҳотининг талабларини бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янада ғайрат-шижоат билан ишлайверадилар.

*СТУДЕНТЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ*

## УШАЛГАН ОРЗУ

**Ўқувчилик давримда университетга киришни ҳавас қилардим. 1980 йили Тахтакўпир районидаги «Совет Ўзбекистони» номли ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, аттестат билан бирга механизаторлик гувоҳномасини олдим. Шу гувоҳнома билан «Совет Ўзбекистони» совхозимизнинг биринчи бўлимига тракторчи бўлиб ишга кирдим. Ер ҳайдадим, шудгор қилдим, комбайнда шоли ўришда қатнашдим. Совет Армияси сафида солдатлик хизматини ўтаб келгач, совхоз устахонасида токарь, слесарь бўлиб ишладим: қишлоқ хўжалик техникаларини яна ҳам чуқурроқ билиб олиш имкони туғилди. Хуллас, бугунги қишлоқ хўжалиги мутахассиси учун керакли ҳаётий кўникма орттирдим. Энди ёшлик орзусига эришиш йўлида дадил одимлаш мумкин эди. Орзуим ушалиб, қишлоқ хўжалиги ва экономика факультетининг агрономия бўлимига ўқишга кирдим. Беҳад бахтиёрман.**

**Одил САФАРОВ,**
**Нукус давлат университетининг биринчи курс студенти.**

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТИ ҲИММАТИ

## АРДОҚ

Қишлоғимизда ҳамма саводхон. Чунки, эндиликда махсус билими бўлмаган агроном ва инженер, зоотехник ва ветеринар сингари мутахассисларсиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муваффақиятли бошқариб бўлмайди. Хўжалигимиз бўлинмалари ана шундай кадрлар билан мустаҳкамланган. Ҳатто айрим бригадаларга ҳам олий маълумотли кишилар раҳбарлик қилишяпти.

Ишнинг бошида ўқимишли кадрлар турганлиги, улар деҳқончилик ва чорвачиликни агрономия ҳамда зоотехника фани талаблари асосида юритаётганликлари туфайли пахта ва бошқа экинлардан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда, чорва моллари-нинг туёқ сони ўсиб, маҳсулдорлиги ошяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча етакчи мутахассисларимиз-у, посёлкадаги саломатлик посбонлари, ишчи-хизматчиларимизнинг ўғил-қизларига таълим бераётган ўқитувчилар ҳам қишлоғимиздаги мактабларни тамомлашган.

Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти мактабга оталиқ ёрдамини кучайтириш, унинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, партия ва ҳукуматимизнинг умумий таълим ҳамда ҳунар мактабини ислоҳ қилиш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда мактабларга, янг коллективларига яқиндан кўмак бермоқдалар.

Ҳамма бўлимларда ўн йиллик ва саккиз йиллик мактаблар мавжуд. Уларда деҳқонлар ва чорвадорларнинг икки мингга яқин ўғил-қизи ўқитилмоқда. Совхозда Ильич номи билан аталадиган посёлка қурилиши давом эттирилмоқда. Бу ерда пахтакорлар, ғаллакорлар, сабзавоткорлар ва чорвадорлар учун юзлаб уй, болалар боғчаси, медицина, савдо, маданий-маиший объектлар барпо этиш, янги мактаб, чорвачилик учун мутахассис кадрлар тайёрланадиган ҳунар-техника билим юрти қуриш назарда тутилганди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўп хонали, ҳамма қулайликларга эга бўлган юзга яқин уй, болалар боғчаси, касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳунар-техника билим юрти қурилиши давом эттирилмоқда. Янги ўқув йили арафасида эса 624 ўринли мактаб биноси қурилиши тугалланди. Бу билим ўчоғида таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш, кўзимизнинг қораси ҳисобланган ёш авлоднинг пухта билим олиши учун барча зарур шароит муҳайё этилган, янги ўқув қуроллари, мебель, ва бошқа асбоб-ускуналар билан мукаммал жиҳозланган. Унда кенг ва ёруғ синф хоналари, турли фан кабинетлари, спорт зали мавжуд.

Янги посёлкада истиқомат қилаётган ишчиларнинг фарзандлари биринчи сентябрь — Билимлар кунини ана шу муҳташам янги мактабда кутиб олишади.

**Т. ЭРНАЗАРОВ,**
**Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг директори.**

*Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида*

## МУРАББИЙ ИБРАТИ

Сут-товар фермасига экскурсияга борган юқори синф ўқувчиларини илғор сут соғувчи Лидия Александровна Ботирова илиқ кутиб олди.

— Қўрқма, қизим, сигирга яқинроқ боравер, — деди Лидия Александровна эшик олдида ҳайиқиброқ турган қизга. — Силаб-сийпасанг у сенга ўрганиб қолади. Кўп ўтмай эса унга сен ҳам ўрганиб қоласан.

Кейин у йигит-қизларга машҳур сут соғувчилар ҳақида мароқ билан гапира кетди.

— Ҳамқишлоғимиз Султонбой Тожибоевни яхши танийсизлар,— деди Лидия опа. —У ҳаётдаги илк қадамини қайноқ меҳнатдан бошлаган эди. Меҳнат уни улуғлади, бахт-саодат келтирди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ фермага қатнарди. Унинчи синфни битирганидан кейин шу ерда ишлади. Меҳнат мактаби унга шон-шуҳрат келтирди. Бу гапларни бекорга айтмаяпман. Сизлар таълим олаётган 34-ўрта мактабда чорвачилик бўйича ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси тузсак, унга ўзим мураббийлик қилсам, дедим.

Лидия Александровнанинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Таклиф амалга ошди. Ўқувчилар чорвачилик бригадасининг тузилиши «Октябрь 50 йиллиги» совхозидагина эмас, балки Избоскан районида янгилик эди. Юқори синф ўқувчиларидан 20 нафар йигит-қиз бригадага аъзо бўлди. Дарсдан кейин уларни фермада яна Лидия опа кутиб олди.

Тажрибали сут соғувчи ўқувчиларга сигир боқиш, суғориш, қачон ва қандай соғишни эринмай ўргата бошлади. Қизиғи шундаки, у соф ўзбек тилида гапирарди.

—Ўзбек тилини яхши биларкансиз,— деди қизлардан бири ҳайратланиб.

— Ўттиз йилдан ошдики, ўзбеклар орасидаман, — деди Лидия Александровна кулиб. — Бунинг устига турмуш ўртоғим ўзбек, мен эса комиман. Амакингиз Коми АССРда хизмат қилган. Юлдузлари тўғри келиб қолди деганларидек... тақдиримдан хурсандман.

Лидия Александровна ўз касбини жон-дилдан севади, фермада ишлашни шараф деб билади, ўқувчиларни ҳам шунга ўргатиб, уларда чорвачиликка меҳр-муҳаббат уйғота бошлади. Мана шунга ҳам етти йил бўлди.

Ўқувчилар бригадасининг собиқ аъзолари Қамбарали Ашуров, Раҳмонали Қурбонов, Манзура Ботирова эндиликда совхоз фермасининг зарбдорларидир. Манзура Лидия Александровнанинг қизи. У мактабни битиргач, фермага ишга кирди. Машинада сигир соғишни ўрганди. Унга 20 бош сигир биркитилган. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 4650 килограммдан, шу йилнинг 7 ойида эса 2 минг килограммдан сут соғиб олди. Манзура Андижон область комсомол комитетининг бюро аъзоси, ВЛКСМ XIX съезди делегати. Шу бригаданинг аъзолари Раъно, Замира Ботировалар (булар ҳам Лидия опанинг қизлари), Қандила Кимсанова, Муҳаррам Жўраева, Абдуқаҳҳор Тожибоев, Муҳаррам Сулаймонова ва бригаданинг раҳбари, биология ўқитувчиси Ҳамиджон Қорабоев Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бронза медали билан мукофотланди. Ҳар йили ўқувчилар бригадаси аъзоларидан бири меҳнат бирлашмаларининг республика кўрик-конкурсида қатнашяпти.

Ўтган йили ўқувчилар бригадаси аъзолари соғиб олган сут 58 тоннага етди. Бу йилнинг 7 ойида эса 34 тонна сут соғиб олинди.

— Мактабимизда «Касбим—фахрим» деган мавзуда учрашувлар ўтказиб турилади, — дейди мактаб директори Обиджон Содиқов. — Унинг ташаббускори ҳам Лидия Александровнадир. Бу йил 46 ўқувчи 10-синфни битирди. Шулардан Мунисхон Қурбонова, Раъно Қодирова Муҳаррам Сулаймоновалар фермада қолди.

Избоскан районида 27 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси бор. Иккитаси чорвачилик, биттаси боғдорчилик бригадаларидир. Қолганлари пахтачилик билан шуғулланади. Улар орасида 34-ўрта мактабнинг чорвачилик бўйича ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси катта шуҳрат қозонган. Бунда ўқувчиларнинг севимли мураббийси Лидия Александровна Ботированинг хизмати катта. Партия ва ҳукуматимиз унинг ҳалол меҳнатини муносиб тақдирлаб, яқинда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотлади.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

ТАБРИК ВА ИСТАКЛАР

## КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

**Биринчи сентябрнинг Билим куни сифатида нишонланиши мендек оддий бир қурувчининг қалбини ҳам фахр туйғуларига тўлдирди. Чунки, социалистик ҳаётимиз ривожи учун фан, маърифат, маданият ниҳоятда зарур.**

**Бизнинг бригадамизда қўли гул дурадгор, ғишт теруvчи, сувоқчи, бўёқчиларнинг қадри баланд. Мурод Мелиев, Ғани Нарзиқулов каби уста қурувчиларимиз мен бўёқчи, ёки дурадгорман, деб қараб ўтиришмайди. Бино пойдеворидан бошлаб то уни фойдаланишга топширишгача бўлган ишларни ўзлари бажараверадилар. Натижада ёрдамчи пудратчиларнинг келишини кутиб, қурилишни кечиктириб ўтирмаймиз. Ҳозирги кунда Жиззах районидаги Жданов номли совхоз учун коттеж-уйлар қуряпмиз. Янги уй калитини қабул қилаётганлар меҳнатимиздан хурсанд!**

**Жиззах чўли бугунги кунда улкан қурилиш майдонига айланган. Қалби қайноқ ёшларни, корчагинчи чўлқувар йигит-қизларни кутяпти у. Яхши ўқиб, касб-ҳунар ўрганиб, билим-малака орттириб, тезроқ сафимизга қўшилинг!**

**Соли КАРИМОВ,**
Жиззах область колхозлараро қурилиш трестига қарашли 103-механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

## ЎҚИНГ, КАСБ ЎРГАНИНГ

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига нақадар катта эътибор берилаётганини эндиликда бутун жаҳон кўриб турибди. КПСС Марказий Комитетининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган Пленумида, сўнгра СССР Олий Советининг сессиясида умумий таълим ҳамда ҳунар мактабларида ислоҳ ўтказиш ҳақидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинганн ҳаммамизнинг ёдимизда. СССР Олий Советининг депутати сифатида ана шу масалани муҳокама этишда қатнашганимдан бахтиёрман.**

**Совхозимиз областнинг йирик, донгдор хўжаликларидан бири. Бизда мактаб ва боғчалар қурилиши, уларда таълим-тарбия ишларининг юқори даражада олиб борилишига катта эътибор берилади. Ўтган йили хўжалигимиз марказидаги В. И. Ленин номли ўрта мактабда ўринлар сони яна уч юз йигирматага кенгайтирилган эди. Энди бизнинг инкита ўрта мактабда меҳнаткашларнинг 1315 нафар фарзанди таълим олади. Биз меҳнат гвардиячиларига ёшларга қарата «Ўқинг, касб ўрганинг!» дегимиз келади.**

**Мунаввар МИРБОБОЕВА,**
Ильич районидаги «Правда» совхозининг бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати.
**Сирдарё области.**

## ОЛТИН ҚЎЛЛАР

**МАКТАБЛАРАРО ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИДА**

**Комбинатимиз ташкил этилган дастлабки даврда ўқувчиларга саккизта ихтисос бўйича таълим берилган бўлса, ҳозир йигирмадан ортиқ касб эгаларини тайёрлаб чиқаряпмиз.**

**Мактаб ислоҳоти амалга оширилиши муносабати билан мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари олдига янги юксак талаблар қўйилмоқда. Халқ хўжалигининг малакали кадрларга эҳтиёжини ҳисобга олиб, токарлар, слесарлар, тикувчилар, автомобиль транспорти ҳайдовчилари, бинокорлар ва савдо ходимлари тайёрлашга бундан кейин ҳам кўпроқ эътибор берамиз.**

**Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, экскаватор-ремонт заводи, 19-автотранспорт корхонаси, шаҳар савдо ташкилотлари комбинатни янги ўқув йилига тайёрлашда намунали оталиқ ёрдами кўрсатишганини алоҳида қайд қилса арзийди.**

**Кези келганда, етилган ва ҳал этилиши ғоят зарур бўлган баъзи муаммоларга тўхталиб ўтмоқчиман. Эндиликда оталиқ қилувчи корхоналарда махсус ўқув кабинетлари ва цехлар ташкил этилиб, уларга етакчи мутахассислар, мураббийлар биркитиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда амалий машғулотларни бевосита корхонада ўтказиш учун шароит вужудга келади. МактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини замонавий ускуналар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар билан таъминлаш, эски станокларни янгилари билан алмаштириш, қўшимча бинолар қурилиши масалалари ҳам ижобий ҳал этилишини истардик.**

**Ҳунарли қўл — олтин қўл, деб бежиз айтилмаган. Биз, педагоглар ёшларда касб-ҳунарга иштиёқни кучайтириш йўлида бор билим ва тажрибамизни аямаймиз.**

**Собир ДАВЛАТОВ,**
**Урганч шаҳар мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.**

**Кўҳна Самарқанд илмга чанқоқ ёшлар билан янада ёшариб кетгандай. Саккиз олий ўқув юрти ҳамда ўн саккиз техникумнинг аудитория ва лабораториялари, спорт зали ва устахоналари, кутубхоналари бугундан бошлаб яна гавжум бўлиб қолади. Суратда: Самарқанд давлат университетининг «Сўғдиёна» интернационал дўстлик клуби аъзоларидан бир группаси.**

ЎзТАГ фотохроникаси.

РУС ТИЛИ — ҚАРДОШЛИК ТИЛИ

## БИРИНЧИ БОР ДАРСГА

Бу кунни бир умр унутмасам керак. Биринчи ўқувчиларим ҳузурига кетяпман-у, ҳаяжонланаман, айтажак сўзларимни қайта-қайта такрорлайман. Шунда ўрта мактабда менда улуғ рус тилига кучли меҳр-муҳаббат уйғотган муаллимам Мукаррама Зарипова ёдга тушади.

Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабда Мукаррама Вафоевна рус совет адабиёти классикларининг битмас-туганмас ҳикматга тўла асарлари, рус тилининг беқиёс бойликлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилар, рус ёзувчиларининг асарларини кўпроқ ўқишга даъват этар эди. Танаффусларда рус халқ қўшиқларини баралла айтардик. Ўқитувчимизнинг дарс бериш маҳорати туфайли кўп синфдошларим ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ рус тили бўйича мутахассис бўлишга аҳд қилишди. Мен ҳам етти нафар синфдошим билан бирга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Наманган давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим. Бугун мен ҳам, собиқ синфдош-курсдошларим Гулнора Исомиддинова, Назира Абдуғаффорова, Дилором Азизова, Равшан Шамсуддинов ва бошқалар ҳам ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дастлабки машғулот ўтказамиз. Ишга тайинланган мактабда мени З. Ким, Р. Шар, А. Саидова сингари тажрибали ҳамкасбларим қувонч билан кутиб олишди.

Мактаб ислоҳотида биз, рус тили ўқитувчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Ўқувчиларга улуғ рус тили, Ленин тили, дўстлик-қардошлик тили, билимлар дунёси калити эканлигини айтиб, уларнинг бу тилни мукаммал ўрганишлари йўлида тинмай меҳнат қиламан.

**Феруза ЖЎРАБОЕВА,**
**Наманган шаҳридаги 38-ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

ЁШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР ВА СУҲБАТЛАРНИНГ

# НАМУНАВИЙ ТЕМАТИКАСИ

Партия қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари — комсомол фаолиятининг жанговар программаси.

Коммунистик партиянинг комсомол ва ёшлар тўғрисидаги ғамхўрлиги.

Ленин комсомоли — партиянинг ишончли резерви ва жанговар ёрдамчиси.

Коммунистик қурилишда комсомолнинг роли ошиб бораётганлиги.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги ишда актив қатнашиш — комсомолнинг бош вазифаси.

Энг муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга ёшларнинг қўшаётган ҳиссаси.

Халқ хўжалигини интенсивлаш — комсомолнинг жонажон иши.

Ёшлар ва техника тараққиёти.

Зарбдор комсомол қурилишлари — совет ёшлари гражданлик баркамоллиги мактаби.

Сибирь, Узоқ Шарқ, Узоқ Шимол бойликларини ўзлаштиришда ёшларнинг меҳнат қаҳрамонлиги.

Байкал-Амур магистрали қурилиши — комсомол меҳнат шуҳрати солномасидаги ёрқин саҳифа.

Россия Ноқоратупроқ ўлкасини обод қилишда комсомолнинг роли.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда комсомолнинг энг муҳим вазифалари.

Жамият бахт-саодати йўлидаги онгли ва интизомли меҳнат — ҳар бир комсомол аъзосининг энг биринчи вазифаси ва ватанпарварлик бурчи.

Комсомол-ёшлар коллективларининг ҳаракати кенг кўламда ривожлантирилсин.

Коллективимиз ёшларининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга қўшаётган ҳиссаси.

Корхонамизнинг ёш ишлаб чиқариш новаторлари.

Коллективимиз ёшлари иқтисодий тежашни кучайтириш топшириқларини қандай бажармоқдалар.

Корхонамиз ёшлари ўртасидаги меҳнат интизоми.

Ёшларни меҳнатсеварлик ва аҳлоқийлик руҳида тарбиялашда мураббийликнинг аҳамияти.

Ленин комсомолининг совет жамияти сиёсий системасидаги ўрни.

Давлат ва жамият ишларини идора қилишда ёшларнинг актив қатнашиши — социалистик демократиянинг ўзига хос белгиси.

Қишлоқ, район, шаҳар Советимиз ёш депутатларининг фаолияти.

Совет жамиятининг муносиб гражданлари бўлиш — ёшларнинг юксак бурчи.

Ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш — партиянинг стратегик мақсади.

Ёш авлодни тарбиялашни янада яхшилаш — партиянинг, давлатнинг, бутун халқнинг энг муҳим иши.

Коммунизмни ўрганиш — Ленининг ёшларга қилган сўнмас аҳамиятли васияти.

Раҳбар — ёш авлоднинг меҳрибон мураббийси.

Ёшларни марксча-ленинча дунёқараш, синфий онгни англаш, буржуа идеологиясига муросасизлик руҳида сабот билан тарбиялайлик.

Совет ёшларининг ватанпарварлиги ва социалистик интернационализми.

Ёшларни партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялайлик.

Ёш авлодни юксак ғоявий-маънавий фазилатлар руҳида вояга етказайлик.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кучайтирилсин.

Ҳарбий ишни чинакамига ўрганиш — Ленининг ёшларга берган накази.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — Советлар мамлакати ҳар бир ёш гражданининг муқаддас бурчи.

Комсомолнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ишлари.

Уруш ветеранларига комсомоллар ғамхўр бўлсинлар.

Комсомолнинг мактаб ислоҳотини амалга оширишдаги роли.

Комсомол — мактабдаги педагоглар коллективларининг ишончли таянчи.

Пионер ташкилотларининг ташаббускорлиги, ҳаваскорлиги ва ижодкорлиги ривожлантирилсин.

Ёш авлодни тарбиялашда оиланинг роли оширилсин.

Йигит ва қизларни атеистик руҳда тарбиялаш вазифалари.

Истиқомат жойи — ёшларни актив тарбиялаш жойи.

Коммунистнинг комсомолдаги иши — масъулиятли партиявий топшириқ.

Комсомол ишининг услуби, форма ва методлари такомиллаштирилсин.

Партиявий раҳбарлик — комсомолнинг ғоявийлиги, жанговарлиги ва ижодий активлиги гарови.

Мамлакатнинг, социализм ва тинчликнинг тақдири учун совет ёшларининг тарихий масъулияти.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада биология фанини ривожлантириш соҳасидаги кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги ўртоқ Аҳрор Музаффарович **Музаффаров**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаганлиги учун ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ институт директори Тўлқин **Искандаров**, лаборатория мудири Раҳмат **Убайдуллаев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»**;

Бўлим мудири Надежда Сергеевна **Святкина**, лаборатория мудири Татьяна Дмитриевна **Симонович** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»** фахрий унвонлари берилди.

Институт ходимларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## СССР ДАВЛАТ НАРХ КОМИТЕТИДА

**СССР Давлат нарх комитети маълум қиладики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ 1984 йил 1 сентябрдан қўйидаги халқ истеъмол молларининг давлат чакана нархлари арзонлаштирилди:**

| | Нархларнинг арзонлашиш проценти (Ўрта ҳисобда) |
|---|---|
| Ацетат ва триацетат ип газламалар, кўйлаклар, блузкалар ва бошқа енгил кийим-кечак: | —30 |
| Катталар учун ацетат ва триацетат газламалар | —20 |
| Болалар учун сунъий ва синтетик газлама | —30 |
| Болаларнинг сунъий ва синтетик ипдан тўқилган устки трикотаж кийим-кечаги | —30 |
| Болаларнинг сунъий ва синтетик ипдан тўқилган устки трикотаж кийим-кечаги | —30 |
| Болаларнинг ип ва лавсандан тўқилган ички трикотаж кийим-кечаги | —20 |
| Сунъий ва синтетик ипдан тўқилган ички трикотаж қийим-кечак | —19 |
| Шу жумладан, болалар қийим-кечаги | —30 |
| Синтетик ипдан тўқилган пайпоқлар | —20 |
| Шу жумладан, эстетик ипдан тўқилган болалар колготкаси | —30 |
| Ацетат ва триацетат газламадан тайёрланган галантерея буюмлари | —22 |
| Болаларнинг сунъий мўйнадан тўқилган кийим-кечаги | —30 |
| Тивит рўмол ва тоза жун рўмоллар | —17 |
| Импорт гиламларнинг айрим турлари | —20 |
| Баъзи маданий-маиший ва хўжалик моллари | —17 |

Бундан ташқари дори-дармон айрим турларининг чакана нархлари арзонлаштирилди.

Бир йилга ҳисоблаганда чакана нархларнинг арзонлаштирилиши жами 2,2 миллиард сўмни ташкил қилади.

# ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ ТУГАДИ

Мамлакатимизда 30 август куни тугаган совет-ҳинд дўстлиги ойлиги Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва самарали ҳамкорликнинг ёрқин далили бўлди. Ойлик Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигининг 13 йиллигига ва Ҳиндистон мустақиллигининг 37 йиллигига бағишланди.

Москва ва Рига, Ленинград ва Тошкент, Одесса ва Таллин, Олмаота ва Иркутскда, бошқа шаҳарларда йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан нотиқлар совет-ҳинд дўстлиги ҳозирги чигал халқаро вазиятда алоҳида аҳамият касб этишини ўқтириб ўтдилар. Бу дўстлик Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликнинг гаровидир. Иккала мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлиги турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч ва ўзаро манфаатли тотув яшаши жозибадор намунасидир.

Ойликнинг кенг программаси ҳинд рассомлари асарларининг виставкаларини, фольклор ансамбларининг чиқишлари, дўст мамлакат ҳаётини тасвирловчи фотовиставкаларни ўз ичига олди. Ҳинд кинематографиячиларининг бадиий ва ҳужжатли фильмлари кўриклари муваффақиятли ўтди.

Ўз сафларида турли ёш ва касбдаги миллионлаб кишиларни бирлаштирувчи дўстлик жамиятлари халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашда нақадар муҳим роль ўйнашини ойлик тадбирлари яққол намойиш этди.

# ТИНЧЛИККА БЎЛГАН ҚАТЪИЙ ИРОДА

**Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 31 август куни бўлиб ўтган кўп кишилик митингида «Жаҳонга тинчлик!», «Ядро фалокатининг олди олинсин!» деган шиорлар кўп марта такрорланди. Бу митинг касаба союзларининг тинчлик учун ҳаракат куни муносабати билан бўлиб ўтди. Тинчлик учун ҳаракат иккинчи жаҳон уруши бошланиши йиллигида жаҳон касаба союзлари конгрессининг даъватига биноан ўтказилмоқда.**

— АҚШ маъмурияти ва унинг НАТО блокидаги гумашталари агрессив сиёсати барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳам ғазаблантирмоқда, — деди Ш. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, СССР Олий Советининг депутати Каромат Ёқуббоева. — Вашингтон тинчликсеварлик тўғрисида сафсатабозлик қилиб, амалда қуролланиш пойгасини авж олдирмоқда, мустақил ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатларга нисбатан давлат терроризми сиёсатини амалга оширмоқда, Афғонистон, Никарагуа, Сальвадор халқларига қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда, планетанинг бошқа районларида кескинлик манбаларини вужудга келтирмоқда. Американинг СССРга мўлжал олдирилган ядро ракеталари Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда жойлаштирилганлиги уруш чиқиши учун алоҳида хавф-хатар солмоқда. Аммо ер қуррасига атом бомбаси билан таҳдид қилаётган Оқ уйдаги масъулиятсиз сиёсатчиларнинг тарих сабоқларини ўйлаб кўриш ва ўт билан ўйнашишни тўхтатиш пайти келди! Биз бутун дунё меҳнаткашларини ядро уруши хавфига қарши курашни кучайтиришга даъват этамиз! Биз, ишчилар фидокорона меҳнатни, ер юзида тинчликнинг ишончли таянчи — социалистик Ватанимнинг кучқудратини мустаҳкамлашни ўзимизнинг бош вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Митингда сўзга чиққан уруш ва меҳнат ветерани А. Водовозов, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева ҳамда бошқа нотиқлар инсониятга ҳалок қилиш хавфини солаётган АҚШ бошчилигидаги империалистларнинг авантюрачилик сиёсатини ғазаб билан қораладилар, ядро уруши хавфига қарши, одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун курашаётган барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан бирдамлик изҳор этдилар. Қабул қилинган резолюцияда КПСС ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар йўли яқдиллик билан маъқулланган, тинчлик ишини зардоб меҳнат билан мустаҳкамлашга, уруш алангаси чиқишига йўл қўймасликка азму қарор берилганлиги изҳор қилинган.

Касаба союзларининг тинчлик учун ҳаракат куни муносабати билан республика пойтахтининг кўпгина саноат корхоналарида ҳам урушга қарши митинглар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ — ИОРДАНИЯ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

# ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

**Совет Иттифоқи билан Иордания халқларини анъанавий дўстлик алоқалари боғлаб келмоқда. 31 август куни Тошкентда бошланган Совет—Иордания дўстлиги кунлари давлатларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.**

Дўстлик кунларида қатнашиш учун Иордания-Совет дўстлиги жамиятининг президенти сенатор Бахжат ат-Талҳуни бошчилигидаги шу жамиятнинг делегацияси келди.

Республика меҳмонлари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар.

Делегация аъзолари Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар. Учрашув қатнашчилари самарали Совет-Иордания иқтисодий ва техника, илмий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистон ҳам бу ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу араб мамлакатининг намояндалари республиканинг олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Иордания олимлари билан уларнинг ўзбекистонлик ҳамкасблари, жумладан Қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқмоқдалар.

Шу куни Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазма залида Иордания тасвирий, декоратив-амалий санъати ҳамда фотоусталари асарлари виставкаси очилди. Экспонатлар Иордания рассомларининг ўзига хос ижодиёти тўғрисида, халқнинг ҳаёти ва турмуши, Совет-Иордания ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Кечқурун Ўзбекистонда Совет-Иордания дўстлиги кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Тошкент жамоатчилиги вакиллари ва меҳмонлар бу галги учрашув Совет Иттифоқи билан Иордания Ҳошимийлар қироллиги ўртасида дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир қадам бўлиб қолади, тинчлик ишига хизмат қилади, деб таъкидладилар.

Иордания делегациясининг бошлиғи Бахжат ат-Талҳуни йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, СССРнинг халқаро майдондаги тинчликсевар сиёсатига юксак баҳо берди. У ССР Иттифоқининг мустаҳкам тинчликка эришиш, халқлар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги тинчлик ташаббуслари Иорданияда, барча араб мамлакатларида астойдил қўллаб-қувватланаётганлигини қайд этиб ўтди. СССРнинг Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга қаратилган, Яқин Шарқ танглигини ва Фаластин проблемасини адолатли ҳал этишга асосланган яқиндаги таклифлари ҳам кенг кўламда маъқуллаб кутиб олинди. Нотиқ араб халқларининг Америка империализми кирдикорларига ва Исроил агрессиясига қарши олиб бораётган курашини доимо қўллаб-қувватлаётганлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Совет-Иордания кунларининг тантанали очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашди.

Дўстлик кунлари программасига мувофиқ республика бўйлаб сафар қилинади, саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари билан, зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.



**Суратда: Иордания-Совет дўстлик жамияти делегацияси В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалида.**

**Р. Нуриддинов фотоси.** (ЎзТАГ).

# Чет эллларда

ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

БУГУН — ЖАҲОН ТИНЧЛИК КУНИ

# ИНСОНИЯТ БУРЧИ

Бугун планетамизнинг ҳамма нуқталарида Жаҳон тинчлик куни кенг миқёсда ўтмоқда. Жумладан, совет мактабларида 1 сентябрь сабоқлари Тинчлик дарслари билан бошланади.

Империализмнинг айби туфайли ҳозир жаҳон нотинч, ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқарувчи ядро уруши хавфи ортиб бормоқда. Шу билан бирга тинчлик душманларининг, аввало Америка империализмининг агрессив доиралари мухолифлик йўлини ўтказаётганликлари, улар ҳарбий устунликка эришишга, зўравонлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини амалга оширишга уринаётганликлари натижасида халқаро кескинлик жиддий кучайиб кетди.

НАТОга аъзо бўлган баъзи мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталари жойлаштирила бошланганлиги сабабли кескин аҳвол янада мураккаблашди.

Шу боисдан ҳам жаҳондаги миллион-миллион соф виждонли кишиларни ташвишлантираётган ғоят муҳим проблемалардан бири — Ер юзида ядро ёнғини чиқишига йўл қўймасликдир.

Тинчликнинг баҳосини билмоқ, қадрини ўлчамоқ учун янги урушлар бошлаш шарт эмас. Инсоният ўз тарихи мобайнида жуда кўп қонли, фожиали урушларни бошидан кечирди.

Шунинг учун тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, ядро ҳалокатининг олдини олиш ҳозирги замоннинг бош вазифасидир. Совет Иттифоқи шу вазифани ҳал этиш учун Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар билан биргаликда курашмоқда. СССР социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг birлигини мустаҳкамлашга, унинг тинчлик ва социал тараққиёт таянчи сифатидаги позицияларини кучайтиришга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Шу йилнинг ёзида Москвада бўлиб ўтган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган қардош социалистик мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги иқтисодий анжумани ҳам шу кезларда тинчликни сақлаб қолиш ва уни асраш инсониятнинг муқаддас бурчи эканлигини кўрсатиб берди. Москва кенгаши қатнашчилари халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган хатарли йўлга, агрессия сиёсатига чек қўйиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш, халқлар мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилиш, тинчлик шароитида ва ҳуқуқий тенглик асосида ҳамкорлик қилишга азму-қарор берганликларини билдирдилар.

Тинчликсеварлик ўз табиатидан келиб чиқадиган Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар кейинги пайтларда кескинликни юмшатишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қатор тинчлик ташаббуслари билан чиқдилар. КПСС ва Совет давлати раҳбари ўртоқ К. У. Черненконинг Ирландия жамоат арбоби Ш. Макбрайд ва ядросиз зоналарга доир халқаро конференция мурожаатномаларига қайтарган жавоблари ана шу тинчликсеварлик сиёсатининг ёрқин намуналаридир.

Жумладан, Совет Иттифоқи ташаббус кўрсатиб, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик ҳақида мажбурият олди. У Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан биргаликда ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузишни НАТО блокига таклиф қилди. Бир сўз билан айтганда, айни қардош социалистик мамлакатлар томонларнинг тенглиги ва баббаравар хавфсизлиги принципларига асосланган, халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушувчи ўзаро фойдали битимларга йўл очадиган кенг ва реалистик ҳаракат программасини ишлаб чиқиб, турмушга татбиқ этмоқда. «Биз, — деб айтди шу муносабат билан ўртоқ К. У. Черненко, — тинч-тотув яшаш учун ҳалол шартларни таклиф этмоқдамиз, социализмга урушнинг кераги йўқ. Социализм ўзининг афзалликларини тинч мусобақада исботлай олади».

Афсуски, АҚШнинг президент Рейган бошлиқ маъмурияти, унинг агрессив НАТО блокидаги шериклари дунё ишларида, халқаро майдонда тамомила бошқа йўлни — милитаризмни авж олдириш, инсониятни ядро ҳалокати жарлигига судраш, самовий урушга тайёргарлик кўриш, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш, терроризмни давлат сиёсати даражасига кўтариш йўлини танлаб олмоқдалар. Ана шу сиёсат туфайли стратегик қуролларни чеклашга бағишланган Женевадаги музокаралар барбод бўлди, космосни ҳарбийлаштирилишига қарши бўлган Совет таклифлари эътиборсиз қолдирилди.

Сўзсиз, империалистик доираларнинг тинчлик ва хавфсизлик иши учун ғоят қалтис ва хатарли ушбу қадамлари жаҳон жамоатчилиги диққатидан четда қолаётгани йўқ, албатта. Планетамиздаги тинчликни қадрловчи барча кишилар Вашингтон ва бошқа империалистик давлатлар юргизаётган уруш сиёсатини қатъий қоралаб чиқмоқдалар, ҳозир замоннинг энг зарур проблемасига сиёсий калтабинлик билан ёндашаётганларни жиддий айбламоқдалар.

Маълумки, дунёдаги барча реакцион кучларнинг асосий тиғи аввало Совет Иттифоқига, социализмга қарши қаратилгандир. СССРга қарши қилинаётган саноқсиз «салб юриш»лари, совет турмуш тарзига қарши отилаётган туҳмат тошлари, «совет ҳарбий таҳдиди» ҳақида тарқатилаётган уйдирмалар бунга мисолдир. Америка маъмурияти эса қайсарлик билан таркиб топган кучлар нисбатини бузиш, СССРдан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлардан воз кечмаяпти. Ана шу шароитда Совет Иттифоқи лозим бўлган жавоб чораларини кўришга мажбур бўлмоқда. Худди ана шу мақсадда матбуотда эълон қилинганидек, ҳозирги вақтда СССРда олисга учириладиган ва ердаги базаларда жойлаштириладиган қанотли ракеталар муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Бундан 45 йил муқаддам, 1939 йилнинг 1 сентябрь куни фашизм янги жаҳон урушини бошлаб юборган, бу уруш халқлар бошига саноқсиз кулфатлар солган, қора кунларни келтирган эди. Энди ҳамма катта-кичик урушларнинг йўллари тезроқ тўсилиши шарт ва лозим! Бугун Жаҳон тинчлик кунида она-еримизнинг ҳамма нуқталарида, барча қитъаларнинг катта-кичик шаҳар ва қишлоқларида ўтаётган митинг ва намойишларда, йиғин ва юришларда инсониятнинг ана шу адолатли ва ҳақли талаби жаранглаб эшитилмоқда.

**Т. СОЛИЕВ.**

**АҚШ. «Ядровий қуролланиш йўли тўсилсин!», «Никарагуадан қўлингни торт!» — ана шу шиорлар остида Сан-Франциско шаҳрида Рейган маъмуриятининг агрессив ҳарбийлаштириш сиёсатига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди.**

**В. Орлов фотоси.** (ТАСС).

# МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ

**Ливия халқи мамлакатда монархия тузуми ағдарилиб, революция туфайли мустақилликка эришган кунининг 15 йиллигини ишонламоқда.**

1969 йил 1 сентябрь куни «Озод офицерлар» группаси мамлакатда революцияни амалга оширди ва Ливия Араб Республикаси тузилди, Ливия тарихида янги давр бошланди.

М. Каддафи бошчилигидаги революцион ҳукумат мамлакатни иқтисодий қарамликдан олиб чиқиш, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, чет эл нефть компанияларини национализация қилиш, саводсизликни тугатиш каби муҳим вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ливия мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Халқ фаровонлигини юксалтиришда кўп ишлар амалга оширилди.

Давлат миллий даромадининг 90 процентдан кўпроғи нефть саноати зиммасига тушаётир. «Қора олтин» Ливия ташқи савдоси экспортида ҳам асосий ўринни эгалламоқда. Мамлакатда уй-жой қурилиши планли равишда амалга оширилмоқда. Статистика маълумотларига кўра 3 миллиондан зиёд ливияликлар уй-жой билан тўла таъминланган. Революциядан кейинги йилларда 12 мингдан ортиқ мактаб қурилди, ўқитувчиларнинг сони 3 баравар ошди.

1977 йилда Ливия Араб Республикаси Ливия Араб Социалистик Халқ Жамоҳирияси номини олди.

Бошқа Африка мамлакатлари сингари Ливияда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг муҳим масалалардан биридир. Ҳозир мамлакат қишлоқ хўжалиги аҳолини сабзавот ва мевалар билан етарли таъминламоқда.

1981—1985 йилларга мўлжалланган иқтисодий планга мувофиқ, умумий маблағнинг тўртдан бир қисми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, аниқроғи чорвачиликни юқори даражага олиб чиқиш, қаровсиз ерларни ўзлаштириш, ветеринария станциялар сонини кўпайтириш ва давлат секторини мустаҳкамлашга ажратилган.

1981—1985 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик иқтисодий план бир қанча муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди, Соғлиқни сақлаш, олий таълим ва маориф ишларини янада яхшилаш, социал таъминотни кенгайтириш, нефть бойлигини тўғри тақсимлаш, озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлат томонидан 3,1 миллиард динор ажратилди.

Ташқи сиёсатда Ливия Араб Социалистик Жамоҳирияси империализм ва милитаризмга қарши курашмоқда. Ливия ҳукуматининг асосий принципларидан бири қўшилмаслик ҳаракатида фаол қатнашишдир.

Ливия Жамоҳирияси Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантирмоқда, сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни йил сайин мустаҳкамламоқда. Ёш давлат халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашда Совет Иттифоқининг роли бениҳоя каттадир. Совет — Ливия дўстлик алоқалари азалдан мавжуд. Совет Иттифоқи Ливияга нефть қидирувчилар, агрономлар, иқтисодчилар, врачлар ва бошқа турли касбдаги мутахассислар тайёрлашда катта ёрдам бермоқда. Юқори малакали совет мутахассислари Ливия саҳросини ўзлаштиришда ҳамкасбларига кўмаклашяптилар.

Совет — Ливия ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга Совет Ўзбекистони ҳам ўз улушини қўшмоқда. «Средаэлектроаппарат» ва «Ташкенткабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли хил асбобускуналарни Ливияга экспорт қилмоқда. Тошкент шаҳри Ливиянинг пойтахти Триполи билан биродарлашгандир. Республикамизга Ливиянинг делегациялари ташриф буюрмоқдалар. Жумладан, Ливия миллий мажлиси ва савдо палатаси делегациялари республикамиз ҳаёти билан танишдилар. Ливияда эса бизнинг «Баҳор» ва «Лазги» ансамбларимиз концертлар бердилар.

Ливия миллий байрами — Республика куни нишонланаётган шу кунларда совет кишилари Ливия халқига улкан зафарлар тилайди.

**Б. ГИЕСОВ.**

# ЯНГИЛИКЛАР

САНЪАТ ОЛАМИДА

## МУҲИДДИН РАҲИМОВНИНГ КЕРАМИКАСИ

**28 август куни Тошкентда очилган виставкада Ўзбекистон ССР халқ рассоми, санъатшунослик кандидати, инженер Муҳиддин Раҳимовнинг асарлари кўрсатилмоқда.**

Санъаткорнинг 80 йиллигига бағишланган экспозиция у ижод йилларида яратган буюмларнинг озгинасини ҳам сиғдира олмади, албатта. Бобоси тошкентлик кулол шогирди ва набираси ясаган маҳсулотларни маъқуллаганида 12 яшар эди. Тошкентдаги халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, сўнгра Москвадаги Бутунроссия қишлоқ хўжалик виставкасида томошабинлар у ясаган сопол лаган, пиёла, декоратив панноларга қойил қолишганида уста ўн саккизга кирганди.

Хуллас, Муҳиддин Раҳимов ижоди намойиш этилган виставкалар рўйхати каталогда бир неча саҳифани эгаллайди.

## С. ЧУЙКОВ ПОЛОТНОЛАРИ ТОШКЕНТДА

**◆ СССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотларининг лауреати Семён Афанасьевич Чуйковнинг картиналари халқларнинг тарихи тўғрисида, уларнинг тақдирлари ҳақида, замонамиз тўғрисида ҳикоя қилади. Тошкентда очилган виставка совет рассомчилигининг ажойиб устаси туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган. Бу ерда намойиш этилаётган юзга яқин полотнода авторнинг ижодий йўли, унинг изланишлари ва интилишлари акс эттирилган.**

Виставкада рассомнинг илгари ишлаган асарлари оз эмас. Қирғизистонда туғилиб ўсган рассом жонажон юрт манзаралари — тоғлар, қишлоқлар, ўтовларни зўр меҳр билан чизган. Шу ўлка, оддий меҳнаткашлар унинг ижодида умр бўйи асосий мавзу бўлиб қолди. «Бизнинг Қирғизистонда», «Қирғиз колхоз сюитаси» туркумига доир картиналар халқ ҳаётида юз берган социал ўзгаришларни аниқлик ва қалбдан тасвирлайди. «Чўпон қизи», «Тушлик дам олиш», «Тоғдаги бугдойзор» полотноларида акс эттирилган воқеалар ва кишилар Совет Қирғизистонининг кенг умумлашган образини яратган.

Рассом Ҳиндистонни ҳам жон-дилидан севарди. Ҳиндистон сюжетлари устидаги ишлари секин-аста «Қардошларимиз» деган катта бир туркумга айланиб, Шарқ халқларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилди. Тошкентликлар ана шу туркумдаги энг яхши асарлар — «Ҳаммол қўшиғи», «Паст табақа келин-куёвлар» билан танишишлари мумкин.

СССР Бадиий академияси ташкил этган кўчма виставка бундан олдин Москва, Олмаота, Фрунзеда кўрсатилган эди. Тошкентда унинг экспонатлари бир ой намойиш этилади. (ЎзТАГ).

## ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

**● Демократ шоир Аваз Ўтар ўғли туғилган кунинг юз йиллигига тайёргарлик қизғин паллага кирди.**

Шоир қадамжо бўлган Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхозда тарихий санага бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда бунёд этилаётган архитектура комплекси олдидаги ҳиёбон, фаввора ва гулзор кишининг бахри-дилини очади, шоирнинг сиймоси беш метр баландликдаги ёдгорликда ўз аксини топади. Ҳайкалтарошлар — Шавкат Усмонов ва Соли Қодиров бу обидани маҳорат билан ишлашган.

Ўн саккиз баҳорни қаршилаган Алиқулни қишлоқ мактабига ўқитувчи этиб тайинлашди. У қалби тўла севинч, катта орзу-умид билан мактабга йўл олди. Болалар билан ишлаш, уларга илк бор ҳарф ўргатиб, ҳурматэътибор топиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас эди ўша пайтларда. Дастлаб учинчи синф талабаларини ўқитди. Тинимсиз изланиш, севимли касбига меҳр ёш муаллимни катта орзулар сари етаклар, уни қунт билан ишлашга ундар эди.

Аммо, уруш... Тоғли Белибойли қишлоғига ҳам бу мудҳиш хабар бир зумда тарқалди. Фронтга кўнгилли бўлиб ёзилаётганларнинг сони кун сайин ортиб борарди. Алиқул ҳам урушга жўнатишларини сўраб район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилди.

— Сиз каби кадрлар фронт орқасида ҳам жуда зарур, — дейишди комиссариатдагилар. — Ҳозирча ишлаб туринг, керак бўлганда ўзимиз чақириб оламиз.

1942 йилнинг май ойида унга ҳам навбат келди. Уч ой давомида жанговар тайёргарликдан ўтди.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ПЕДАГОГ ҚУРОЛ ТУТГАНДА

— Совет Армияси душманнинг заиф ва кучли томонларини ҳисобга олиб, Курск яқинида мудофаага ўтган эди, — дейди биз билан суҳбатда Алиқул бобо Хушвақтов. — Фрицларни Москва остонасидан Курск области территориясигача қувиб борган 179-саперлар батальонига тушдик. Шу ерда биз қарийб 3 ой немислар ҳужумини даф этиб турдик. 1943 йилнинг ёзида гитлерчилар бор кучини тўплаб, ҳужумга ўтди. Беш кун тинимсиз ёғдирилган ўт-оловдан ям-яшил майсазорлар куйиб кул бўлди. Бизникилар мардона жанг қилиб, немисларнинг кучли зарбасини қайтаришди...

Алиқул хизмат қилаётган взводда 12 нафар жангчи бор эди. Уларга душман танки ўтадиган йўлларни миналаштириш вазифаси топширилганди. Рус ўғлони Овчинников, украин йигити Коваленко, ўзбек фарзандлари Хушвақтов ва Омоновлар танкка қарши мина кўмишди. Душманнинг икки танки минага урилиб портлади. Шиддатли жанг бошланди. Еру кўкни чанг-тўзон, порох тутуни қоплади. Осмондан учувчилар, ердан танкчилару пиёдалар тинимсиз ўқ узишарди. Фашист каллакесарлари 40-50 километргача орқага улоқтириб ташланди. Шундай қилиб, Курск ёйидаги мислсиз олишув совет жангчилари фойдасига ҳал бўлди. Ана шу жангда кўрсатган мардлиги ва матонати учун катта сержант Алиқул Хушвақтов «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Украинанинг бир қисми, Новгород, Белоруссиянинг Гомель шаҳарларини душмандан тозалашда ҳам Алиқул Хушвақтов командирлик қилган взвод жангчилари актив иштирок этишди. Днепр дарёсидан кечиб ўтиш пайтидаги жасорати учун А. Хушвақтов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. Белоруссиянинг Берёзина станциясини душмандан мардона ҳимоя қилишда қатнашганлиги ёш командирга шуҳрат келтирди. У ҳам кўлгина солдатлар қатори II даражали Ватан уруши орденини кўкрагига тақди. Алиқул ака Польша, Чехословакия ва шарқий Пруссияни немис-фашистларидан тозалашда ҳам фаол қатнашди.

Уруш қурбонсиз бўлмайди. У Ражаб Эшимов, Эргаш Абдуллаев сингари ҳамюртларидан айрилди. Уч марта оғир яраланиб, бир оёғини немислар ўқига берди. Саратовдаги ҳарбий госпиталда 5 ой даволанди. Уруш тугагач, кўлтиқтаёқда оналарининг қишлоғи Белибойлига қайтиб келди.

Мана, 1945 йилдан буён Алиқул ака педагог деган шарафли номни эъзозлаб келмоқда. У ёш авлодни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга сидқидилдан ҳисса қўшаётир.

— Ҳозирги пайтда оила аъзоларим ва невараларим даврасида тинч-осойишта ҳаёт кечиряпман, — дейди отахон. — Партия-ҳукуматимиз биз, ветеранларга беғиёс ғамхўрликлар кўрсатмоқда. Давлатимиздан 120 сўм пенсия оламан. Тагимда «Запорожец» енгил автомашинаси. Бундай ҳурмат-эъзоз, доимий ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимиздан бир умрга миннатдорман.

**С. ЯНГИБОЕВ,**
**Деҳқонобод райони.**

НОЗ-НЕЪМАТ БУНЁДКОРЛАРИ

## БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

**Қизилтепа районидаги «Москва» колхози боғбонлари шафтоли, нок, анжир, олма теришни тезкорлик билан олиб боришяпти. Матлуба Раҳмонова, Ҳожибегим Бўснова Инобат Абдуллаева ва Машкура Мажидова сингари миришкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бу боғбонлар кунлик нормаларини ошириб бажаришяпти. Ҳозиргача эл дастурхонига 162 тонна мева етказиб берилди.**

**Беруний районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг Ҳабибулло Урозмбетов бошлиқ боғдорчилик ва полизчилик бригадаси аъзоларининг ҳам иши ҳар қачонгидан кўпайган. Улар ҳам боғларда ва полизларда етилган сершира узум мевани ҳамда тилими тил ёрар қовун-тарвузларни йиғиштириб олиб шаҳарликлар дастурхонига етказиб беришяпти.**

**Суратларда: 1. Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг ёш боғбони М. Раҳмонова. 2. Беруний районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг полизчиси Д. Иброҳимов.**

В. Занько (ЎзТАГ) ва Р. Ўтамуродов фотолари.

# ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР— ҲАР БИР ХОНАДОНГА

Шаҳар ва қишлоқларда келгуси йил матбуот нашрлари учун обуна тўплаш давом этмоқда. Бу муҳим кампания Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик муносабати билан вужудга келган меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва меҳнат активлиги шароитида ўтаётир. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан руҳланган ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари ўн биринчи беш йиллик марраларини барвақт эгаллаш, иқтисодий ва социал тараққиёт суръатларини жадаллаштириш учун зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Алоқа ходимлари ғоят муҳим сиёсий кампания бўлган газета ва журналларга обуна тўплашни юксак уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор бермоқлари лозим.

Лимитланган нашрлар рўйхати йил сайин камайиб бормоқда. Бу йил «Аврора», «Дружба народов», «Звезда», «Знамя», «Новий мир», «Человек и закон, «Литературная газета», «Роман-газета» сингари оммабоп нашрларга обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Шунингдек, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи кишилар, ўқитувчилар, умумтаълими мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг ишлаб чиқариш таълими мастерларидан газета ва журналларга чекланмаган миқдорда обуна расмийлаштирилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, лимитланган нашрларга обуна газета ёки журналга ёзилувчи адресига ҳар номдан битта комплектгагина қабул қилинади. Уларни бошқа адресларга қайта расмийлаштириш фақат обуна бўлган кишининг яшаш жойи ўзгарган тақдирдагина амалга оширилади. «Вокруг света», «За рулем», «Иностранная литература», «Молодая гвардия», «Наука и жизнь», «Радио»,

**ОБУНА-85**

«Студентический меридиан», «Техника молодёжи», «Юность» журналлари, шунингдек, «Дружба народов», «Вокруг света», «Огонёк» ва «Сельская молодёжь» журналларининг адабий-бадиий иловаларига обуна республикамизга ажратилган тиражлар доирасида қабул қилинади.

Газета ёки журналларга ёзилувчиларнинг эҳтиёжини яна ҳам тўлароқ қондириш мақсадида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, миллий тилларда чиқадиган вақтли нашрларига мамлакатимизнинг исталган аҳоли пунктидаги адресга ёзилиш мумкин.

«Союзпечать» ва алоқа ходимлари обуна тўплаш кампанияси мобайнида жуда катта ва қизғин ишларни амалга оширадилар. Шуни айтиш кифояки, бу йил республика аҳолиси 14 миллионга яқин нусха газета ва журнал олмоқда. Худди шу ўринда бизнинг кўпдан кўп ёрдамчиларимиз — корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртларида иш олиб борувчи жамоатчи матбуот тарқатувчилар тўғрисида илиқ сўз айтмаслик мумкин эмас. Уларнинг ёрдами билан марказий ва республика нашрларини изчил пропаганда қилмоқдамиз. Обуначиларни газета ва журналларга ёзилишининг шартлари ва усуллари билан таништирмоқдамиз. Обунани коллектив равишда расмийлаштираётган, маълум муддатга, орада узилиш билан газета ва журналларга ёзилаётган кишилар миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу вақтли нашрлардан тобора самаралироқ фойдаланиш ва меҳнаткашларнинг маблағини тежашга хизмат қилаётир.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уруш инвалидлари, Шуҳрат, Меҳнат Шуҳрати орденларининг тўла нишондорлари, «СССР Қуролли Кучларида Ватанга хизмати учун» орденининг тўла кавалерлари ва Иттифоқ ҳамда республика аҳамиятига молик шахсий пенсионерларга газета ва журналларга обуна бўлиш чоғида хизмат кўрсатишни яхшилашнинг конкрет чоралари амалга оширилмоқда.

Республикамизда 10 минг, шу жумладан қишлоқ жойларда 6200 обуна қабул қилиш пунктлари ишлаб турибди.

Газета ва журналларга ёзилиш икки ойдан кўпроқ вақт давом этади. Бироқ обунани расмийлаштиришни энг кейинги кунларга қолдирмаслик лозим. Бу газета ва журналларни узлуксиз етказиб беришнинг муҳим гаровидир. Вақтли нашрларга алоқа бўлимлари, «Союзпечать»нинг, шаҳар, район агентликлари, иш жойларида эса жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали ёзилиш мумкин.

Газета ва журналларга обуна тўплашни ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтказайлик!

**Э. ҲАМИДОВ,**
**«Союзпечать» республика бошқармасининг бошлиғи.**

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ●

СПАРТАКИАДА:

## САМАРҚАНДЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Булунғур райони марказида қишлоқ хотин-қиз ёшлари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Спартакиадаси якунланди. Бир неча кун давом этган мусобақада ГТО нормативларини топшириш бўйича Н. Муҳаммадёрова (Навоий области), З. Мустафина (Фарғона области), Л. Гусенко (Жиззах области) муваффақиятли иштирок этдилар. Волейбол бўйича Самарқанд области командаси биринчи бўлди. Теннисчилар ўртасида Тошкент области вакили Нора Ли, шахмат бўйича Л. Шакарова (Самарқанд области) юқори натижа кўрсатдилар. Умумкоманда ҳисобида Самарқанд области ёшлари ғалаба қозонишди.

## СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

**●ШАХМАТ. Жаҳон чемпионатини ўтказиш бўйича ташкилот комитетининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Жаҳон чемпиони А. Карпов билан тож даъвогари Г. Каспаров ўртасидаги матчнинг очилиши 9 сентябрда ўтказилади. Эртаси куни дастлабки дона суришлар бўлади. Учрашувда биринчи бўлиб 6 ғалабага эришган шахматчи ғолибликка эришади.**

**● Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида ўтказилган учрашувлардан кейин Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 44 очко билан ягона пешқадам бўлиб олди. Самарқанд динамочилари 42 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда.**

Редактор ўринбосари
А. НАБИХЎЖАЕВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ТУРИСТ ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ**

ЗАМОНАВИЙ КОМФОРТАБЕЛЛИ ТЕПЛОХОДЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА

**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**«ТИХИЙ ДОН» ТЕПЛОХОДИДА — Ростов-Дон — Москва — Волгоград — Ростов-Дон маршрути бўйича — 19 сентябрдан 11 октябргача. Путевка баҳоси — 400—500 сўм.**

**9 октябрдан 31 октябргача. Путевка баҳоси — 345—445 сўм.**

**«ЖУКОВ» ТЕПЛОХОДИДА — Волгоград—Астрахань — Москва — Волгоград маршрути бўйича — 9 сентябрдан 2 октябргача. Путевка баҳоси — 485—566 сўм.**

**29 сентябрдан 22 октябргача. Путёвка баҳоси — 465—525 сўм.**

**«БАГРАТИОН» ТЕПЛОХОДИДА — Куйбишев — Москва — Астрахань—Куйбишев маршрути бўйича — 19 сентябрдан 9 октябргача. Путевка баҳоси —255—320 сўм.**

**«НОВИКОВ-ПРИБОЙ» ТЕПЛОХОДИДА — Ростов-Дон — Москва — Волгоград — Ростов-Дон маршрути бўйича — 16 сентябрдан 5 октябргача. Путевка баҳоси — 455—555 сўм.**

**«КОНСТАНТИН ФЕДИН» ТЕПЛОХОДИДА — Саратов—Москва — Астрахань—Саратов маршрути бўйича — 8 сентябрдан 29 сентябргача. Путевка баҳоси—420—510 сўм.**

**28 сентябрдан 19 октябргача. Путевка баҳоси — 385—455 сўм.**

**«РАДЯНСКИЙ СОЮЗ» ТЕПЛОХОДИДА — Днепропетровск — Очаков — Николаев — Херсон — Запорожье — Киев — Черкасси — Днепропетровск маршрути бўйича — 21 сентябрдан 6 октябргача, 4 октябрдан 19 октябргача. Путевка баҳоси — 320—280 сўм.**

Путевка баҳосига бориш ва қайтиб келиш учун самолет билетлари ҳақи киритилган.

Путевкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

**Ф. Хўжаев номли 1-пойабзал фабрикаси қошидаги**
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.**

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

**Билим юртини битирганлар 1-пойабзал фабрикасида ишлайдилар.**

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

**Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.**

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

**Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.**

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

**Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.


# Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/IX **Севилья сартароши** (19.30), 2/IX да **Оловиддиннинг сехрли шамчироғи** (13.30), **Жизель** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/IX да **Келинлар қўзғолони**, 2/IX да **Парвона** (19.30).

# Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ИНТЕРЦИРК-84»** чет эл цирк артистларининг томошалари (13, 16, 19.30).

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда олий математика кафедраси коллективи шу кафедра доценти А. Сулаймоновга рафиқаси

**Светлана СУЛАЙМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи газетанинг Самарқанд области бўйича собиқ мухбири, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер

**Ғиёс Фаттоҳович АШУРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ

## 1 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

**МОСКВА-I.** 9.00 — Время. 9.40 — Спортлото. 9.50 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.00 — Концерт. 11.30 — Ёдингдами, ўртоқ. 12.30 — Халқ куйлари. 12.45 — Инсон. Ер. Коинот. 13.30 Концерт. 14.00 — Киноочерк. 14.20 — Ҳаётга йўлланма. 15.10 — Дунё воқеалари. 15.25 — Концерт. 16.00 — Бугун — Билимлар куни. 16.45 — Концерт. 17.15 — Мультфильм. 17.50 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.20 — Ҳайвонот оламида. 19.20 — Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.50 — Қишлоқ ўқитувчиси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.30 — Янгиликлар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 9.55 — Тонгги почта. 10.25 — Ритмик гимнастика. 10.55 — Телефильм. 11.55 — Маяковский биз билан. 12.50 — Чита телестудиясининг программаси. 14.10 — Шаҳарда об-ҳаво яхши. Телеспектакль. 15.55 — Музикали киоск. 16.25 — Саёҳатчилар клуби. 17.25 — Бахмал мушук. Бадиий фильм. 18.40 — Концерт. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. «Днепр» — «Шахтёр». 23.45 — Сув чанғи спорти. СССР чемпионати.

**ТОШКЕНТ-I.** 10.00 — Ахборот. 10.25 — Совет киноустаси. 11.25 — Жасорат саҳифалари. 12.25 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.00 — Нуқта, нуқта, вергул. Бадиий фильм. 14.20 — Янги таржималар. 14.50 — Замандас. 18.05 — Тинчлик дарси. 18.40 — Мультфильм. 19.00 — Бугун — Билимлар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Сифатли тола учун. 22.25 — Душанбагача бир гап бўлар. Бадиий фильм. 17.40 — **ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.**

## 2 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

**МОСКВА-I.** 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Будильник. 10.55 — Сонет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Болалар учун фильм. 15.50 — Саёҳатчилар клуби. 16.55 — Киноочерк. 17.10 — Концерт. 17.40 — Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. 18.10 — Мультфильмлар. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Хатларингиз асосида. 20.15 — Юғур Саймон, юғур. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Сопот-84. 23.10 — Янгиликлар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.50 — Мультфильм. 10.00 — Рус тили. 10.30 — Телефильм. 11.00 Концерт. 11.50 — Мўъжизасизмўъжизалар. 12.45 — Ҳаммаси мушукдан бошланди. Бадиий фильмлар. 14.00 — Мультфильм. 14.10 — 9-студия. 15.10 — Концерт. 15.40 — Мухбирларимиз қиноя қиладилар. 16.10 — Концерт. 16.55 — Мардлик. Бадиий фильм. 6-серия. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Концерт. 18.35 Ёзувчи А. Алексин билан учрашув. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Карьерданги карнайчи. Бадиий фильм. 23.20 — Футбол. ЦСКА—«Пахтакор».

**ТОШКЕНТ-I.** 10.00 — Ахборот. 10.25 — Санъат байрами. 11.45 — Телеминиатюралар. 12.30 — Қувноқ стартлар. 13.40 — Хирурглар. Бадиий фильм. 14.50 — Ўзбекистон спорти. 15.20 — Реклама. 18.05 — Бахтли болалик. 18.45 — Мультфильмлар. 19.15 — Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР ва ЎзССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Г. Жўраева рақсга тушади. 21.30 — Время. 22.05 — Насиба Абдуллаева куйлайди. 23.20 — Футбол. ЦСКА — «Пахтакор».

16.45 — **ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.**

# РАДИО

## 1 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Ассалом устоз. Концерт. 9.25 — Москва. Бугун — Билимлар куни. 9.40 — Бахт ва меҳнат қўшиқлари 10.15 — Гулшан. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Педагоглар, Сизлар учун. 17.00 — Ёшлар учун музикали соат. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Сенинг стартларинг, комсомол. 19.25 — Ёшлик 20.50 — Халқаро Тинчлик куни. 21.00 — Оламда тинчлик бўлса. 22.30 — Ўзбек шоираларининг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.

## 2 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — Таниш оҳанглар. 12.10 — Ишчикома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Сабзавоткорлар беш йиллик вахтасида. 15.40 — «Олтин девор». Спектакль. 17.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган кунга. 21.00 — Футбол. ЦСКА — «Пахтакор». 22.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари учун концерт.


**СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ**

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

**БИЗНИНГ АДРЕС:**
**700000, Тошкент-П.**
**Ленин кўчаси, 41.**

**ТЕЛЕФОНЛАР**
**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.**

Р. — 20059. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 200.


1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12